

# 9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir

№9-10  
(1495-1496)  
2024-YIL  
8-MAY




t.me/zbekistondasog'liqsaqlash

# О'ЗВЕКИСТОНДА SOГ'LIQNI SAQLASH

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995-YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ  
УЗБЕКИСТАНА



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТҮГРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май – Хотира ва қадрлаши куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафимизда туриб, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтишишга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган галабанинг 79 йиллиги муносабати билан уруши қатнашчилари ва ногиронларини моддий разбатлантириши мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ногиронларининг ҳар бирiga 20 000 000 (йигирма миллион) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари хисобидан амалга оширилсин.

3. Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб қувватлаш

“Нуроний” жамғармаси билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ногиронларига ушбу пул мукофоти тантанали ҳамда байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат килиш Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри  
07.05.2024

### ХОТИРА АЗИЗ, ҚАДР МУҚАДДАС

## ҲАР БИР КУННИНГ ШУКРОНАЛИК НАФАСИ

Аждодларни хотирлаши ва кексаларни эъзозлаш, улуг қадрият ҳисобланиб, бу борада мамлакатимизда ҳар йили қабул қилинаётган дастурларда ёши улуг, нуронийларга бўлган хурмат, эътибор диққат марказидадир. Биз азал-азалдан тинчликсевар ҳалқмиз. Айнан шу гоя тарғибига багишланган буюк миллий маънавий меросимиз бор. Уларнинг бариди тинчликнинг қадрига етиши тарғиб этилади, уруши эса батамом қораланади. 9 майни Хотира ва Қадрлаши куни тарзида умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келаётганимиз замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсад ётибди.

II жаҳон урушида Ўзбекистонимиздан 1 миллион 433 минг 230 нафар одам иштирок этди. 604 минг 52 нафар ҳамюртимиз уруш майдонларидан ногирон бўлиб қайти, 450 мингдан ортиқ ватандошимиз эса қонли жангларда ҳалок бўлди. Ҳамон орамизда қанчадан-қанча уруш қатнашчилари, фронт ортида меҳнат-машаккат чекканлар бор. Ўтганларни хотирлаш, сафимизда юрганларнинг эса қадрига етиши керак.

Мустақил Ўзбекистон ҳалқи ва давлати аввал-бошдан тинчлик-тотувлик тарафдори сифатида майдонга чиқди. Ана шу

асосларга кўра, мустақиллик йилларида ҳам бизда 9 май умумхалқ байрами сифатида, 1999 йилдан бошлаб эса Хотира ва Қадрлаши куни сифатида нишонлаймиз. Ҷарҳақиқат, Мустақил давлатнинг байрамлари ҳам ҳалқ табиати ва анъанарагига мос бўлиши керак. Чунки ҳар бир ҳалқ қандай яшashi, нимани қадрлаши, қайси саналарни тантана килишини ўзи ҳал этади. Бунда ўз тарихидан келиб чиқади, бугунини ўйлайди ва келажагини кўзда тутади.

Халқ хотираси деганда киши кўз ўнгидан Ватан ибтидоидан бугунига қадар шу юрт, шу ҳалқ деб курашган, куч-қудра-

ти, акл-заковатини аямаган, ке- рак бўлса, шу йўлда жон фидо килган не-не буюк зотлар бир- бир ўтади. Спитамен, Широқдан Туркон Хотун, Маҳмуд Торбийгача, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улугбекдан Захирiddин Муҳаммад Бобургача, Жалолиддин Мангубердин, Нажмиддин Куброгача ёдга тушаверади.

Хотира ва Қадrлаши куни чинакам миллий – умумхалқ байрамига айланди. Шу куни Ўзбекистоннинг барча қабристонларидан зиёратчilar ари- майди. Бу байрамда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирланади, Афғонистон урушида ҳалок бўлганлар шўро сиёсатининг бегуноҳ курбонлари сифатида эсланади, умуман, ўтганлар руҳи ёдга олинади, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва хукуқни муҳофаза килиш ор- ганлари ходимларининг хотираси олдида хурмат бажо келтирилади.

Инсон бор экан, хотира – мукаддас. Ҳеч ким, ҳеч нарса эсдан чиқмайди. Халқ бугунги тинч-хотиржам замонни асрар-авайлаш, қадрига етиши учун ҳам урушни, унинг қаҳра-



ни беради. Хотира ва қадрлаши тушунчалари – моҳиятан бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Байрамни янгича номлашда улар ўртасидаги ана шу узвийлик асос қилиб олинган. Шундай кишилар тириклигидаги ҳам қадр топади. Ҳалқ ҳеч қаҷон яхши фарзандларини эсдан чиқармайди. Ҳалқнинг хотира- сиз яшashi асло мумкин эмас... Бу ҳар қандай кишини маънан рағбатлантиради, уни яшашга, яратишга, элу юртга садоқат ва катъият билан хизмат қилишга унрайди.

Зеро, хотира ҳамиша мүқаддас, қадр азиздир.  
Намозжон ТОЛИПОВ,  
журналист

## ТИББИЁТИМИЗ ДАРҒАЛАРИ

# ЖАРРОҲЛИК ИЛМИ ТАРИХИДА ЎЧМАС ИЗ ҚОЛДИРДИ

*Академик Восит Воҳидов номини эслашнинг ўзиёқ инсонга катта кувонч ва фикр туйгусини баҳси этади, дилингда шу инсондек ҳалол, ташаббускор, меҳнаткаш, бурчига содик, эли учун ҳар нарсага тайёр, зукко, билимдон бўлиб яшишин орзу қиласан киши. Мақоламиз қаҳрамони академик Восит Воҳидов Ўзбекистонда хирурглар мактабини яратган ва юртимиз аҳли қолаверса, бутун дунё тан олган буюк жарроҳдир. 9 май Хотира ва қадрлаши куни муносабати билан қўлимизга қалам олиб, Ўзбекистон Қаҳрамони, академик Воҳидов Восит Воҳидовичнинг фаолият ва ҳаёт йўлига назар ташлашини жсоиз деб билди. Восит Воҳидов 1917 йилда Жанубий Қозогистоннинг Туркестон шаҳрида дехқон оиласида таваллуд топди.*

Ўз касбининг моҳир устаси, эл на-  
зарига тушган машҳур жарроҳ Восит Воҳидов 77 йил умр кўрди. Бу  
йиллар унинг учун, Ўзбекистон учун,  
жарроҳлик илми учун тариҳда ўчмас  
йиллар бўлиб қолди. Восит Воҳидов  
туғилган йиллар ўз сурони билан тари-  
хий йиллар эди. Восит Воҳидов отаси  
Абдувоҳид Ҳолметов ва онаси Ҳожар  
она 9 фарзандни тарбиялашди. Восит  
Воҳидов 13 ёшга тўлганда, ота-онадан  
айрилади ва 1931 йилда Фарғонага йўл  
олади. У ерда қишлоқ хўжалиги бўйи-  
ча ишчилар факультетида, сўнгра Тош-  
кентга келиб, режа-иктисод техникуми-  
да икки йил ўқиди. У Тошкентда С.  
Юлдашев билан дўстлашиб қолишади,  
дўсти Тошкент тиббиёт академияси-  
(собиқ Тошкент тиббиёт институти)  
Восит Воҳидов эса қишлоқ хўжалиги  
институтига хужжатларни топширишни  
режалаштиришади. Тақдирни қарангки,  
Восит Воҳидов Тошкент тиббиёт ака-  
демиясида келганда анатомия кафед-  
расига кириб, тиббиётни яхши кўриб  
қолади ва 1934 йилда хужжатларни  
Тошкент тиббиёт академиясининг даво-  
лаш факультетига топширади ва талаба  
деган номга эга бўлади. Дўсти С.Юл-  
дашев эса, Қишлоқ хўжалиги Аграр  
университетига ўқишига киради. Ўқиш  
йиллари осон бўлмади. Талаба Восит  
Воҳидов клиник фанлардан жарроҳ-  
лик ва терапияни яхши кўриб қолади.  
1935 йилда институтга Тошкент Давлат  
тиббиёт институти – ТошДавТИ номи  
берилади. Шу йилларда П.Боровский  
(госпитал хирургия кафедраси мудири),  
П.Ситковский (факультет хирургияси  
кафедра мудири), Н.Перешивкин (уму-  
мий хирургия кафедраси мудири) каби  
жарроҳлар машҳур эдилар. Ёш талаба  
улардан таълим олди, уларга ҳавас қиль-  
ди ва жарроҳликни танлади. Жарроҳ-  
лик тиббиётда ўта жавобгарлиги бўлган  
йўналиш хисобланади. Восит Воҳидов  
буни талабалик давридаёқ ҳис этган  
эди. Лекин у 1939 йилда институтни  
битиргач, профессор О.Павлова (госпи-  
тал терапия кафедраси мудираси) ёнида  
терапевт бўлиб ишда қолди. Лекин бу  
узокқа бормади. Бир нечаа ойдан сўнг,  
Восит Воҳидов Қирғизистонга ҳар-  
бий шифокр сифатида жўнатилди. Но-  
рин шаҳрида кизиқ воеа рўй беради.  
Қабулга бир аёл ўткир кўричак таш-  
хиси билан келди. Жарроҳлик ёрдами  
керак. Лекин корин бўшлигини очиши  
учун етарли шароит йўқ. Аёл жарроҳ-  
лик столига етиб келгунча ҳаётдан уми-  
ди қолмаган эди. Лекин Восит Воҳидов  
беморга биринчи ёрдам кўрсатиб,  
жарроҳлик амалиётини ўтказиб, унинг  
ҳаётини саклаб қолди. Шу соатдан бо-  
шлаб, Восит Воҳидов факат жарроҳ бў-  
либ ишлашга яна ҳам қатъий қарор қиль-  
ди. Афсуски, унинг бу қарори анча кеч

амалга ошиди. 1946 йилда уруш тугагач, терапия кафедрасига қайtdi. Ёш шифокор жарроҳлик йўналишини танлагани учун бир кун ҳам терапевт бўлиб ишламади. О. Павлова ёш жарроҳдаги интилиши кўриб, ўша вақтдаги машҳур жарроҳ профессор С. Маъсумовга тавсия қилди. Шу кундан бошлаб, Восит Воҳидов жарроҳ бўлиб ишлай бошлади. Касбини севган ва ардоклаган етук жарроҳ Восит Воҳидов кечга ва кундуз 18-20 соатлаб ишлади. Шунингдек, ойига 10-12 мартағача навбатчиликда турди, у катта машиқатлар билан жарроҳлик йўлига кириб борди. Ёш жарроҳдаги катта қизиқиши, билимга чанқоқлик ҳамда унинг аъзолар (айниқса, томирлар) топографиясини яхши билиши С. Маъсумовни кувонтиради. Агар беморнинг касаллик тарихи нотўғри ёзилса, профессор С. Маъсумов уни қайтариб, тўғри ёзишни талақ қилар эди. Шунинг учун ҳам С. Маъсумов мактабини кўрган жарроҳлар ўта ҳурматли ва билимдон эдилар. Восит Воҳидовга “Йирингли касалликларда ошқозон ости безининг функциялари” мавзусида номзодлик диссертацияси тайёрлаш топширилди. Илмий изланишлари жараённида Восит Воҳидов беморларда 2940 та тахлил ўтказиб тажриба олиб борди. Унинг меҳнатлари юзага чиқиб, икки йил дегандан илмий ишларини якунига етказди. Хулоса аниқ: йирингли касалликларда ошқозон ости безида ташки секреция жароҳат топади, олдин трипсин ва липаза, кейин диастаза ва амилаза секрецияси бузилади, натижада углевод алмашинуви ҳам бузилади, факат инсулин юбориш фойда берди. Хулосалар итлар ва беморларда бир хил чиқди. Восит Воҳидов 1950 йилда диссертациясини муваффакиятли химоя қилди. Тажрибали мутахассис соҳа йўналишида абдоминал, жигар ва ўт ўйлари бўйича жарроҳлик ишларини тўғри йўлга қўйди. Илмий бобидаги изланишлар Восит Воҳидовни яна бир бор янгиликлар сари интилишига унди. 1957 йилдан бошлаб, ўпка жарроҳлиги бўйича докторлик диссертацияси давом эттира бошлади. 1962 йилда москвалик жарроҳ пофессор Б.Линберт, ўзбек олими, профессор X.Гофуров илмий раҳбарлигига илмий изланишларини муваффакиятли химоя қилди.

Мазкур бу докторлик ишида нималар ҳал қилинган эди. Аввало, бу иш клиник-экспериментал ҳарактерда бўлиб, ўнта итда тажриба ҳам қилинган. Ишда клиник, биокимёвий, морфологик, физиологик жарроҳлик усуллари кўлланилди. Плеврал ёпишманинг қон томирлари респиратор функцияда қатнашишлiği аниқланди. Бронхиал артерида қон тўхташи ўпка ҳажмини камайтиради, склерозни тезлаштиради,

альвеолалар бўшлигини торайтиради, бронхларни деформацияга олиб келади, нафас сусяди. Аксинча ўпка артериаси бекитилса, нафас сусаймайди. Бронхиал артерия ва плеврал битишиша томирлари хисобига ваксуларизация карор топади, жароҳатланган ўпкада респиратор функция сақланиб қолади. 60-80- йилларда Тошкент давлат тиббиёт институтида жарроҳлик илмий асосларда ўрганилди. Ўнлаб истеъодли маҳаллий жарроҳларимиз етишиб чиқиши. Жумладан, профессорлар С. Агзамхўжаев, Р. Нурмуҳаммедов, Д. Фуломов, М. Ашраповалар. Уларнинг ҳар бири маълум жарроҳлик йўналишини ривожлантира бошладилар геропто-лоик, гастроэнтерологик, гепатологик, торакал, томир ва юрак, эндокрин ва йирингли касалликлар жарроҳлиги каби йўналишларда яхшигина муваффакиятларни қўлга киритдилар. Ўша йилларда жарроҳлик фанида назариётчи ва экспериментаторлар билан яхши ҳамкорлик ўрнатилган эди. Ўзбекистонда нафас аъзолари бўйича пластик жарроҳ, профессор Ф. Амирлов, малакали гистолог олим К. Зуфаровлар билан бўлган ҳамкорлик изжобий самара бера бошлади. 1960 йилда юрак туғма нуксонларини жарроҳлик йўли билан даволаш бўлими очилди. 1963 йилда Москвада клиник ва экспериментал хирургия илмий текшириш институти хирургия кафедраси билан биргаликда жарроҳлик маркази ташкил этилди. Восит Воҳидов 60-йиллардан бошлаб Тошкентда ҳам шундай жарроҳлик марказини ташкил қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У Москвага борди ва у ердаги Хирургия марказидаги фаолиятларни ўрганди. Пойтахтда унинг филиалини очиши таклифини давлатимиз масъулларига етказди. Ниҳоят мақсади режа амалга ошиди. Тошкентда дастлаб бу институт “Кўкрак хирургияси” деб номланди. Ҳозирда эса, академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази деб номланади. Олимнинг ўша давридаги буюк хизмати шундаки, даволаш ва ташхисга ёрдам берадиган, жуда кўп илмий муаммоларни ечишга қаратилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган микробиология, патологик анатомия, эндоскопия каби бўлимлар фаол ишлай бошлаган. Бу бўлимлардан кўплаб фан докторлари етишиб чиқди, ўнлаб монографиялар яратилди. Шуни кувонч билан таъкидлаш лозимки, 2012 йил Мустакиллигимизнинг 21 йиллик байрами арафасида ушбу марказда ўта замонавий янги кардиохирургия бўлими очилди. Мухтасар килиб айтадиган бўлсак, Восит Воҳидов республикамизда биринчилардан бўлиб:

*Академик Восит Воҳидов яратган жарроҳлик мактабининг нуфузи янада ошиб, унинг номи билан аталаучи Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти дунё олимлари томонидан эътироф этилиб, устозларининг фаолиятини давом эттираётган шогирдлари ҳакли равишда фахрланадилар. Шундай экан, юртимиз тиббиётидаги жарроҳлик соҳасини ривожлантириб, ҳалқимиз дуосига мушарраф бўлган Восит Воҳидов ҳамкаслари ва шогирдлари қалбида мангу барҳаётди.*



– юрак ва қон-томирлари касалликларини жарроҳлик усули билан даволаш бўйича кардиохирургия, ангиохирургия ривожига асос солди, бу соҳада марказлар очилишига сабаби бўлди;

– гипотермия ва сунъий қон айланни аппаратини қўллаб, очиқ юракда жарроҳлик муолажасини ўтказди;

– ўз ўқувчилари билан перитонитларни жарроҳлик усулида даволаш усулларини ишилаб чиқди;

– абдоминал жарроҳликни ривожлантириди, қизилўнгач, ошқозон, ичак, жигар ва жигар ўт ўйлари касалликларини жарроҳлик усулида даволашни сифатли даражада йўлга қўйди. Ўз шогирдлари билан жигар циррозлари, холециститлар, цирроз қолдирган асоратлар, циррозларни даволаш устидаги чуқур изланишлар олиб борди ва маълум ютуқларга эришид;

– торакал жарроҳликни ривожлантириб, нафас ўйларида пластик операцияларни ўйлга қўйди;

– жарроҳлик фани ва унинг илмий амалий салоҳиятини янада ривожлантириди;

– У ўзига ўхшаган истеъодли, гайратли, фидоий олим, шифокор ва кўплаб шогирдларни етказди. Жарроҳликни деярли ҳамма соҳаларида янги изланишларни йўлга қўйди;

– йирингли жарроҳликни ривожлантириди, йиринг чакърувчи микробларнинг турли хиллари бу ерда чуқур ўрганилди;

– илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда экстракорполляр детоксикация йўлга қўйилди;

– оғир экзо, эндотоксикацияни даволаш усуллари ишилаб чиқилди, сорбцион детоксикация ишилатилди;

– таихис соҳасида кўкрак ва қорин бўшилигига эндоскопиянинг турли усуллари кенг қўлланилди, Республика эндоскопик маркази ташкил этилди.

Академик Восит Воҳидов мазкур йўналишда 300 дан ортиқ мақола ва монографиялар ёзган. Шунингдек, 20 нафар тиббиёт фанлари доктори, 50 дан ортиқ тиббиёт фанлари номзодларини етиштирган.

Феруз НАЗИРОВ,

академик.

Эркин ТУРСУНОВ,

профессор.

## ТИБИЁТИМИЗ ДАРГАЛАРИ

# ЎЗБЕК НЕЙРОХИРУРГИЯ МАКТАБИНинг АСОСЧИСИ

**Нейрохирургия.** Бу фанга ҳамма ҳам юрак ютиб боравермайди, шунинг учун ҳам бу соҳа вакиллари нисбатан камроқ. Яна бир томони, бу фан Ўзбекистонда 19 асрнинг иккинчи ярмиларидан бошлиб шакллана бошланган ва ривож топди. Кувонарлиси, бу соҳага жиiddий бел боғлаган фаннинг фидойилари кириб кела бошлади. Шулардан бири ўзбек нейрохирургия мактабининг асосчиси, атоқли олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Марат Хикматовиҷ Кориевдир.

**М**арат Ҳикматович Ко-риев 1930 йил 17 июлда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида туғилди. Ота-онаси унинг яхши тарбия олиши, илмли бўлиши учун ҳаракат килдилар ва бунга эришдилар ҳам. Ёшгина Марат Кориев ёшлар кечки меҳнат мактабида ўқиди ва Иккинчи Жаҳон урушининг оғир йилларида 12 ёшидан бошлаб мудофаа заводида ишлай бошлади. У яшаган маҳаллада йирик шифокор олимлар, профессор Н. Богораз, академик окулист В. Филатов, педиатр профессор К. Титовлар яшар эдилар. Улар ҳарбий госпиталда касалларни даволашга Россиядан келишарди. Бир кун қизиқ воқеа рўй беради. Қиши вақти эди, кўчаларни яхмалак босган, сирғанчик. В. Филатов ва Н. Богораз кўчада йиқилиб тушадилар, уларни Марат ака ва унинг оғайнилари турғизиб кўйишади ва шу кундан бошлаб улар олимлар билан дўстлашиб қолишади. Ўқувчиларнинг бу олимлар билан тез-тез учрашувлари, ҳарбий госпиталга навбатчиликка боришлиари Марат Ҳикматовични шифокорлик касбини танлашига туртки бўлди ва у мактабни битирганидан кейин Тошкент тиббиёт институтига ўқишга кирди. Институтда аъло ва яхши баҳолар билан ўқиди, факультетда ёшларнинг етакчи-си ва фаол жамоатчиси бўлди, пойтахтдаги олий ўқув юрглари спартакидаларида муваффакиятли иштирок этди. Марат Кориевнинг ҳаётдаги шиори “Курашиш, изланиш, топиш ва хеч қаҷон таслим бўлмаслик”дан иборат бўлди. Институтни битирганидан кейин 1955 йилда Марат Кориев Марғилон шаҳар шифохонасига шифокор жарроҳ килиб юборилди. Хирургия бўлими шифохонанинг эски биносида жойлашган бўлиб, бу ерга оғир жароҳат олганлар ва ўтқир жарроҳлик касаллари билан оғриган беморлар мурожаат қилишар эди. Марғилонда ёш шифокор хирургия хизматни ташкил қилиш борасида жон жаҳди билан киришди. Шаҳар шифохонаси бош шифоокри Тоҳир Ҳусановнинг тавсияси билан у Гематология ва қон куйиш институтига қонни сақлаш, тайёрлаш ва қон куйишни ташкил қилишни ўрганиш учун юборилди. Биринчи йилданоқ, Марғилон шаҳрида қон куйиш шахобчasi ишлай бошлади ва кўплаб оғир беморларнинг ҳаётини сақлаб қолишга эришилди. Бош ши-

олдидаги бурчини ҳис килиб, Ўзбекистонда нейрохирургия хизматини ривожлантириш учун юртига қайтади. Лекин бошида кўп қийинчиликларга дуч келди. Бир канча вақт травматология ва ортопедия институтида, сўнг, собик Тошкент давлат тиббиёт институтининг невропатология кафедрасида ишлади. Ва ниҳоят, 1968 йил ҳозирги Республика ихтиносослаштирилган Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг янги очилган 56 ўринли нейрохирургия бўлимида иш бошлади, бу ерда Москвадаги Н. Бурденко номидаги нейрохирургия институтидаги каби ишни ташкил килиб, ўз режаларини ҳаётга татбиқ этди ва кўплаб бош-мия ўсмалари бўлган беморларда жарроҳлик ишларини амалга ошириди. 1970 йилда илмий изланишларининг натижаси “Ўзбекистонда геморрагик инсультларнинг клиникаси, диагностикаси ва босқичли давоси” мавзусида докторлик диссертациясини тақдим этди. 1972 йилда докторлик диссертациясини муваффакиятли ҳимоя килди. 1971 йил Марат Қориев Тошкент тиббиёт институти харбийдала хирургияси, нейрохирургия ва травматология кафедрасига мудир қилиб тайинланади ва “Бош Тошкент курилиш” тиббиёт-санитария қисмига ўтказилиб, у ерда нейрохирургия кафедрасини ривожлантириди. Бу клиникада мураккаб нейрохирургик операциялар ўтказилди ва кадрлар тайёрланди. 1979 йилда мустақил нейрохирургия кафедраси ташкил қилинди ва 1982 йил 2-сонли Республика клиник шифохонасига жойлашди. Марат Қориев томонидан ташкил килинган кафедра нафакат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда илмий-услубий ва даволаш-маслаҳат марказига айланди. Клиникада Ўзбекистон ва Марказий Осиёда шифокорлар бирламчи мутахассислик ва тайёргарликни ўтишди. Марат Қориевнинг ташаббуси билан барча вилоятларда нейрохирургия бўлимлари очилиб, у ерда нейрохирургия клиникаси ва кафедрасида тайёрланган шифокор нейрохирурглар иш олиб боришли. 1993 йили Марат Қориев бошчилигига Нейрохирургия маркази очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 декабрдаги 583-сон қарори, Соглиқни сақлаш вазирлигининг 1997 йил 7 январдаги буйругига асосан Нейрохирургия марказига Нейрохирургия илмий маркази мақоми берилди ва директор қилиб профессор Қориев Марат Ҳикматович тайинланди. 2007 йил ҳукумат қарорига кўра, илмий марказ трактор заводининг собиқ тиббиёт-санитария бирлашмасининг замонавий биносига кўчирилди ва ҳозирда ҳам шу ерда жойлашган. Марат Қориев Ўзбекистонда нейрохирургияга асос солган олим десак хато бўлмас. Унинг илмий биографиясига назар ташласак, ўз соҳасида ниҳоятда кўпкирралик олим эканлигини кўрамиз.



Илмий йұналишида учта асosиý нұкta күzга тапланади;

НЕЙРОХИРУРГИЯ

Олим биринчилардан бўлиб  
бу соҳани ривожлантириди, миян-  
нинг тури қисмларидағи ўсма-  
ларни олиб ташлаш, уларни да-  
волаш усулларини ишлаб чиқди.  
Тўғри, бу касалликни даволаш-  
ниҳоятда қийин, лекин эрта-  
аниқ ташхис кўйилса, даволаш-  
анча осон кечади. Ўスマларни  
нур билан даволашга ҳам алохи-  
да эътибор берди.

## ГЕМОРРАГИК ИНСУЛЬТ

Олим бу соҳанинг анча йирик билимдони эди. У биринчилардан бўлиб касалликни жарроҳлик усули билан даволашни йўлга кўйди. Марат Кориев 1972 йилдаги докторлик химоясида 4000 дан кўп геморрагик инсультга учраган касал билан ишлагани хақида маълумот беради. Эллик фоиздан кўп ҳолатда бу касаллар гипертония билан оғриган касаллар ҳисобланади. Олим биринчи марта мияда қон айланишини бузилишининг ўткир ва ўткир ости шаклларини ажратди. Касаллик ўткир ости шаклида аввал мия томирлари тромбозига ўхшаб кечади. Иккинчи томондан, бу касаллика буйракда, жигарда, ҳазм найида ва бошқа ички аъзоларда кечадиган ўзгаришларни ўрганди. Ва касаллика бу ўзгаришларга ҳам эътибор қартиш лозимлигини уқтириди. Умуман олганда, мия томирлари патологиясига Марат Кориев алоҳида эътибор қарраган олимлардан ҳисобланади. У мия тўқималари шишларида даволаш усулларини ҳам ишлаб чиқсан. Учбурчакнинг учинчи бурчагида бош мия ва орқа мия травмалари туради. Ҳозирда миянинг аралаш травмаси травматологияяда алоҳида ўрин тутади. Бу соҳада ҳам олим ўзининг илмий нуқтаи назарига эга эди. Марат Кориевнинг Республикада нейрохирургия хизматини ташкил этишда алоҳида ўрни бор. Бу ҳам илм. Ҳар бир соҳанинг ташкил этилиши ва уни оёққа турғизиш осон иш эмас. минтакаси нейрохирурглар жамияти аъзоси эди. Марат Кориев Тошкент тибиёт институти даволаш факультети декани, илмий ишлар бўйича проректор лавозимида ишлади. У ҳалол, тўғри сўз, ҳаракатчан ва меҳнатсевар инсон эди. Ҳаёти давомида бир неча мингалб мураккаб операцияларни бажарди ва беморлар дардига малҳам бўлди. Ҳатто ҳаётининг сўнгги куларигача бош мияда мураккаб операцияларни амалга ошириди. Шу билан бирга Марат Кориев ажойиб педагог, меҳрибон устоз, талабчан илмий раҳбар эди, бутун Ўзбекистон ва Марказий Осиёда унинг юзлаб шогирдлари ҳозирда нейрохирургия соҳасида иш олиб бормоқдалар. Улардан 8 таси тибиёт фанлари доктори ва 22 таси тибиёт фанлари номзоди илмий даражасини бевосита унинг раҳбарлигига олганлар. 2008 йил декабрда Москвада ўтган Бутунжаҳон нейрохирургларининг ҳалқаро конгрессида Марат Кориев МДХ ва Дунё нейрохирургияси ривожига қўшган улкан хизматлари учун фахрий ёрлиқ ва “Н. Бурденко номли нейрохирургия илмий текшириш институти фахрий профессори” мантиясини олди. Биз фахр билан айтишимиз мумкинки, Марат Ҳикматович Кориев ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда нейрохирургия мактабининг асосчиси, деган номга муносиб олимлардан биридир.

**Эркин ТУРСУНОВ,  
профессор.**

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

# ТИБ ИЛМИ МАШХУРИ ВА ДУР ИНСОН

**Куни кечакида пойтахтимизда Ўзбекистон ва Қорақалпогистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Нью-Йорк фанлар академияси академиги, тибиёт фанлари доктори, профессор Шабот Хўжаевнинг 100 йиллигига багишлаб, Ўзбекистон гепатологлар асоциацияси ва Республика ихтиослаширилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тибиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институти томонидан хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда буюк олим қолдирган тибиёт мактабини бугунги кунда давом этириб келаётган ҳамкаслари ва шогирдлари сўзга чиқиб, устозларига бўлган эҳтиромларини изҳор этдилар. Келинг, бугунги мақоламизда устознинг босиб ўтган фаолият ва ҳаёт ўйлари тўгрисида профессор Шабот Хўжаевнинг ўз устози деб билган академик Абдулла Убайдуллаев кўйидаги фикрларни гапириб ўтдилар.**

**Ш**абот Хўжаев 1924 йил 2 майда Тошкентнинг Шайхонтохур даҳасида таваллуд топган. Унинг бобоси Асадуллахўжа зиёли киши бўлиб, ўғли Убайдуллахўжани Россия (Саратов шаҳри)да юриспруденцияга ўқитишига эришган. Кейинчалик бу ўғил ўз юргига қайтиб, яхши хизматлари эътиборан эъзоз ва хурматга сазовор инсон бўлган. Убайдуллахўжанинг Суннатилла, Баширилла ва Абдулазиз исмли укалари ҳамда бир кизлари бўлган. Улардан Абдулазиз исмли укалари оила қургач, ўғиллик бўлиб, Убайдуллахўжа таклифига кўра, Шафихиддин деб исем қўйилади. Бироқ замоннинг зайлига кўра, кейинчалик Собит ва ниҳоят – Шабот Хўжаев деб белгиланади. У икки ёшга тўлганда отаси вафот этади ва болаликдаги тарбиясини Бashiрилла исмли амакиси олиб боради. Ҳаётда ёшлигиданок ўзининг одоб-ахлоқи, эзгу ниятларига интилиши ва меҳнатсеварлиги билан атрофдаги ақли донишларнинг дикқатини ўзига жалб этувчи шахслар бўлиши кўпчиликка аён. Шабот Хўжаев болаликдан ўз кобилияти, қизиқувчанлиги ва одоб-ахлоқи билан бошқалар эътиборини тортади. Ўспирилник йилларида ёқ тақдир, аниқроғи ички ҳиссиятлари уни шарафли касб-шифокорликка чорлаб, Тошкентда тибиёт билим юргига ўқишига киради. 1940 йил ушбу билим юргининг 2-боскичини тутатгач, Қорақалпогистонда юз берган тошмали тиф (сыпнӣ тиф) эпидемияси бошланниши билан боғлик сафарга юборилади. Шу кунларни ва ундан кейинги қадамларни Шабот Хўжаев кўйидагича эслайди: “Бизлар, 5 нафар курсдош талабалар Тошкентдан Нукус шаҳрига етиб келдик ва у ердаги худудларда ишлаш учун ўйлланма олдик. Мен вазијати мураккаб бўлган Кегейли туманига бориб жойлашиб, эртасидан ишни бошладим. Бу ижтимоий шароити ноҷорроқ бўлган, ўша пайтда тошмали тиф ўчоғи бўлган масканда вазият анча мураккаб, шифхонада юзлаб беморлар даволанмоқда эди. Барча тегишили режалар асосида жисплашган ҳолда тошмали тифга қарши кураш олиб борди. Унда мен ҳам фаол иштирок этдим. Кўрилган чора-тадбирлар ижобий натижалар бериб, 2,5 ойда эпидемия барҳам топди. Қорақалпогистондан қайтгач, билим юрги учинчи босқичида ўқишини давом эттиридим ва муваффакиятли тутатдим. 1941 йилда Тошкент давлат тибиёт институти даволаш факультетига ўқишига кирдим. Ушбу институтни 1946 йилда, яъни 4,5 йилда муваффакиятли тамомлаб, конкурс асосида аспирантурада (Москва шаҳрида) ўқиши учун галибликни кўлга киритдим. Бироқ Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг кадрлар иши бўйича ўринбосари: “Аспирантурага бир йилдан кейин борасиз, хозир эса эҳтиёжга кўра, вилоятда амалиётга ёрдам беринингизга тўғри келади”, деди. Мен розилигимни билдирам.

1946 йил март ойидан бошлаб, Қорақалпогистоннинг пойтахти Нукус шаҳрида республика марказий шифохонаси ички касалликлар бўлими мудири лавозимида иш бошладим”. Илмга чанқоклик додимо кўнглининг тўрида бўлган Шабот Хўжаев Москвада чиқадиган “Медицинская газета”даги эълонга асосан тавакkal қилиб мурожаат ўйлайди ва кўп вақт ўтмай конкурсга таклиф келади. 1946 йил сентябрь ойида кириш имтихонларини аъло баҳоларга топшириб, собиқ Иттифоқ Тибиёт фанлари академиясига қарашли фаҳрий академик Н. Гамалея номидаги эпидемиология ва микробиология институти аспирантурасига қабул қилинади. Бу катта тарихга эга илмий даргоҳ бўлиб. XX аср бошларида у таникли олим Блюенталнинг кимёвий-микроскопия ва бактериология хусусий кабинети сифатида машҳур бўлиб, 1931 йилда собиқ Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишили “Эпидемиология институти” ҳолида реорганизация қилинган. Унинг бириччи директори академик Владимир Тимаков бўлган. Владимир Тимаков 1968-1977 йилларда собиқ Иттифоқ тибиёт академияси президенти лавозимида ишлаган. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони билан тақдирланган. Юқорида қайд этилган эпидемиология ва микробиология институтида турли йилларда дунёга танилган йирик олимлар фаолият олиб боришган. Улар жумласига микробиология фани асосчиларидан бири академик Н. Гамалея, одам табиий-ўчокли касалликлари таълимотини яратган, сараторн касаллигининг вирусли-ирсий келиб чиқиши назарияси муаллифи академик Л. Зильбер, юкумли касалликлар келиб чиқиши (патогенези) ва кимё терапияси бўйича йирик олим, академик X. Планельес, чечак ва чечак-эмлаш бўйича катта мутахассис, академик M. Морозов, радиацион микробиология ва иммунология асосчиси – академик V. Троицкий ҳамда бошқа кўпгина етук илим соҳиблари фаолият олиб боришган, қатор кашфиёт ва ихтиrolар килишган. Улар яратган янгиликлари эвазига юксак мукофотлар билан тақдирланышган. 1950 йил у ўзи ўтказган илмий изланишлардан олинган маълумотлар асосида диссертация ҳозирлаб, уни ўша йилнинг ўзида муваффакиятли ёқлади ва умидли илмий ходим сифатида аспирантура ўтган институтга ишга жалб этилди. Бироқ Шабот Хўжаевда ўз она юрги ва халқига хизмат қилиш ҳисси устун бўлиб, жонажон диёрига қайтади. У 1951 йилдан бошлаб Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида дастлаб юкумли касалликлар кафедраси асистенти лавозимида 1953 йилдан эса доцент бўлиб ишлади. Бир пайтда у муҳим илмий текширув ишларини ҳам олиб борди. Бу даврда Шабот Хўжаев, собиқ Иттифоқда биричилардан бўлиб, юкумли касалликларда иммун си-

стеманинг ҳолатини ўрганди, амалий иммунология имкониятлари-ю турли усууларини кўллаб, ташхис ва даволашларни яхшилашга эришди. Москвадаги академик Н. Гамалея номидаги эпидемиология ва микробиология институти (собиқ Иттифоқ Фанлар академиясига қарашли)га йўл олади. 1959-1960 йилларда жаҳонга танилган йирик инфекционист олим, академик Георгий Руднев (1899 йилда туғилган) раҳбарлигидан 1959-1960 йилларда докторлик диссертацияси бўйича илмий изланишларни якунига етказади ва уни муваффакиятли ҳимоя қиласди. Москвадан кайтиб келгач, тибиёт фанлари доктори даражасига эришган Шабот Хўжаев ташаббусига кўра Тошкент врачлар малакасини ошириш институти таркибида “Болалар юкумли касалликлари” кафедраси ташкил этилади ва унга мудир этиб тайинлаган. Шабот Хўжаев 1962-1964 йилларда ТВМОИ ўкув ва илмий ишлари бўйича проректори вазифасини ҳам бажаради. Шабот Хўжаев 40 дан зиёд фан доктори ва фан номзодларидан ибрат илмий мактаб яратган устоздир. Кези келганда шуни айтиш лозимки, Республикамизда ўтган асрнинг 80-85 йилларида ҳар йили 200-500 минг киши вирусли гепатитга дучор бўлар эди. Айниска, гепатит “B” кўп тарқалганди. Шунда Шабот Хўжаев тавсиясига кўра Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига собиқ Иттифоқ соғлиқни сақлаш вазирлиги Евгений Чазов ёрдамида бириччи бор хориждан 1 миллиондан зиёдроқ дозада вирусли гепатит “B”га қарши кўлланиладиган вакцина олиб келиниб, чақалоқларга эмлаш ўтказилди. Бунга кўшимча бириччи бор кон олишда бир карра ишлатиладиган ланцетлар, томирга дори юбориладиган ана шундай шприцлар Ўзбекистонда ишалб чиқарилиб, амалиётда кўлланила бошланди. Юқорида қайд этилган чора-тадбир ва омиллар Ўзбекистонда вирусли гепатит тарқалишини сезиларли даражада камайтирди. Навқрон ўшларида буюк олимлар даврасида бўлиб, олий даражада илмшунослик мактабини ўтган ва 37 ёшида фан доктори даражасига эришган Шабот Хўжаев Тошкент шаҳридаги 1-сонли, яъни марказий юкумли касалликлар шифохонасида ўзи бошқарган кафедра учун замонавий клиника ва маҳсус илмий лаборатория ташкил этиб, беморларнинг даволанишларини таъминлади. Шабот Хўжаевнинг Қорақалпогистондаги холера эпидемиясининг бошланишидан токи тугашига қадар (3,5 ойдан зиёд) барча ташкилий, даволаш ва профилактика ишларидан воказиф бўлиб, уларда фаол катнашиб турганликлари ҳамда мутахассис-олим сифатида охирги нуқтани кўйиб, сўнг Тошкентга, яъни уйларига қайтишлари хотиржамлик бағишлаб барчани мамнун килди, олимнинг ўзи учун бу мудхиш воқеа унтилмас илмий-амалий ва ҳаётини тажриба, ватанпарварлик ҳамда ҳалқ саломатлиги



йўлида кўрсатган тенги йўқ қаҳрамонлик бўлди. Ундан кейинги йилларда ўткір юкумли касалликлар бўйича кўзга кўринган мутахассис даражасига кўтарилиган Шабот Хўжаев собиқ Иттифоқ соғлиқни сақлаш вазирлиги Айниска, унинг бириччи раҳбари, машҳур инсон академик Борис Петровский назарига тушиб, айrim ўта муҳим масалаларга жалб этилиб, хориж сафарларига юборилади. Шабот Хўжаевнинг айтишича, ўтган узоқ йиллар ичидаги дунёнинг 30 га яқин мамлакатларига бориб, ўз соҳасига алоқадор холис хизматларни ўтаб, сон-саноқсиз инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш, соғлиқарини мустаҳкамлаш ҳамда ҳамкаслар билан доирасини кенгайтиришига ҳисса қўшган. Бунга ҳаёт мактабларида ортигриган билимлар, ўзлари ўтказган илмий тадқиқотлар, даволаш ишлари, шахсий педагогик фаолияти тажрибалари ва донолик фазилатлари мустаҳкам заминлини таъминлаган деб қараш лозим. Буларни тасдиқловчи далиллар мавжуд. Жумладан, Шабот Хўжаев ўз фаолиятида кўрсатган матонатли меҳнатларида, соҳага киритган янгиликлари ва бошқа муносабиҳи хиссалари эътиборан ҳукуматимиз томонидан юксак кадрланиб, иккى марта “Меҳнат Қизил байрок” ҳамда “Хурмат белгиси”, “Фидокорона меҳнатлари учун”, “Эл-юрт хурмати” орденлари билан тақдирланиши диккатга сазовордир. У Ўзбекистон ва Қорақалпогистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Нью-Йорк Фанлар академияси академиги унвонларига эришди. 1977 йилда Д. Ивановский номли Вирусология институтининг Ўзбекистон филиали ташкил этилиб, унга директор этилиб профессор Шабот Хўжаев тайинланди. Шабот Хўжаевнинг иш фаолиятлари ҳакида сўз юритилганда унинг жамоатчилик ишлари ҳақида тўхтаби ўтиш жоиздир. 1990 йил Ўзбекистонда “Меҳр-шафқат ва саломатлик хайрия жамоат фонди таъсис этилиб, унга радиосикла яқдиллик билан профессор Шабот Хўжаев сайланниб, 10 йил давомида фаолият юритди.

**Хулоса ўрнида айтиши жоизки, профессор Шабот Хўжаев мазкур соҳада ўзининг ибратли мактабини яратиб кетди. Устознинг олиб борган машҳарқатли меҳнатлари ва тизимдаги фидойилиги бугун шогирдлари учун дастуриамал бўлиб келмоқда. Куни кечакида профессор Шабот Хўжаевнинг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган кечада устознинг шогирд ва ҳамкаслари Республика ихтиослаширилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тибиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институтига профессор Шабот Хўжаевнинг номини бериш тақлифини кириди. Умид қиламизки, бу тақлиф албатта, ўз ифодасини топишингиз комил.**

Сұхбатни  
Ибодат СОАТОВА ёзиб олди.

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

# ИЛМ ЙЎЛИДАГИ КАТТА САРБОН

**Фан тарихида илмий даражаларга, қўша-кўша унвонларга ва шу туфайли юксак маъмурий мартабаларга сазовор бўлган ва жамиятда алоҳида нуфузга эришган шахслар, олимлар кўп учрайди. Лекин маълум вақт ўтгандан сўнг уларнинг ишиларига янгича назар билан қараладиган бўлса, образли қилиб айтганда, галвирдан ўтказиладиган бўлса, афсуски, улардан баъзиларининг номи билан боғлиқ бирор жиоддий китобини кўрсатиб бўлмайди.**

**К**увончлиси шундаки, атоқли олим Абдукарим Ҳайдарови Усмонхўжаев юкорида зикр қилинган олимлар тоифасидан бутунлай фарқ қиласди. Чунки фанга хизмат қилиш, халқ саломатлигини сақлаш ва қадими мөросимизни оммалаштириш Абдукарим Усмонхўжаев домланинг энг олий маслаги бўлган эди, десак хато қилмаймиз.

Домла ўз умри давомида ўзи ва шогирдлари билан амалга оширган теран, салмоқли тадқиқотлар, китоблар бунинг якъол далилидир, исбот талаб қиласди. Шу сабабли биз Абдукарим Усмонхўжаевнинг илмий фаолиятини ўрганишга қайта-қайта мурожаат қилимиз ва бурчлимиз. Чунки ҳар бир ёш тадқиқотчи ўзи учун Абдукарим Усмонхўжаевнинг илмий фаолиятининг янги бир киррасини қашф этиши табиийдир.

Абдукарим Ҳайдарович Усмонхўжаев бошқа олимлардан ажралиб турадиган жиҳатлари нимада эди? Аввало, Абдукарим Усмонхўжаев тиббиёт фанлари номзоди, лугатшунос, врач, рухшунос ҳамда рус, инглиз ва форс тилларини мукаммал эгаллаган ШАҲС эди. Бундан ташқари кучли хотира соҳиби, зукко ва дилбар инсон эди.

“Кичик тиб конуни”да шундай мисралар бор: “Илм олишни истовчи киши пок қалбли, соғлом ақли, олий ҳимматлилик, олийжаноблик, соф тафаккур ва заковатли бўлади”. Абдукарим Усмонхўжаев домла мазкур таърифга тўла мос тушар эдилар. Одига кўйган мақсадни амалга оширишда ўта қатъиятли, иродали ва пок қалбли эдилар. Домла ҳар бир ёзган китобини шунчаки ёзмаган. Жамият учун керакли ва фанда очиб берилishi керак бўлган долзарб мавзуларни ёритган.

Домланинг асосий илмий ўйналишларидан бири тибий лугатлар тузиш эди. Бу борада бир неча тибий лугатлар тузиб кетдилар.

Умуман ўзбек лугатлар тузиб кетдилар. Умуман ўзбек лугатшунослиги кўп асрлик анъана-ларга эгадир. Унинг илк таъмал тошини Мамуд Қошгарий кўйган эди десак хато қилмаймиз. Махмуд Қошгарийнинг “Девону луготит турк” асари мана ўн асрдирки она тилимиз тарихини, унинг ўша пайтдаги лисоний имкониятларини ўрганишдаги муҳим манба вазифасини ўтаб келмоқда.

Домла шу анъанани давоми сифатида Ибн Сино асарлари лугатини тузиш жамиятимизда

бундай лугатга илмий-маънавий ва ижтимоий эҳтиёж, зарурат борлигини англаган эдилар. Мен домладан нима сабабдан бу каби лугатни тузиши киришмоқдасиз, деб савол берганман. Шунда бу саволга кенг қилиб жавоб берган эдилар: “Нега асрлар оша Ибн Синонинг тибий таълимотига ҳатто тиббиёт юксак даражада тараққий этган мамлакатларда қайта-қайта мурожаат қилинади? “Тиб конунлари”дан нималарни тушириб қолдирдик ва ҳануз нималарни ўрганишимиз керак? Ибн Синонинг билимлари қандай қилиб бизнинг согломрок ҳаёт кечиришимизга ёрдам бериши мумкин?

Домла сўзларини давом этиб: “Ибн Синонинг тибий асрлари тиббиётни хурофотдан озод этишига ва уни тажрибада кузатишлар билан асослашга қартилган. Китобхонлар унинг техника, асбоб-ускунасиз молекуляр биология тўғрисидаги билимларга эга бўлмасдан биологик жараёнларни тушунтириб беришига койил қолмасдан иложлари бўлмайди. Масалан, хужайранинг митохондрия томонидан вужудга келтирадиган қуввати бўйича замонавий биологик медицинанинг охириг холосаси – тўқиманинг тегишли тарзда фаолият олиб боришига ва организмнинг соғлигига калит вазифасини ўташи масаласи ҳам, “Тиб конунлари” чуқурроқ ўрганилса ва тушунилса, бу асарнинг асосий мавзуси бўлганингини кўриш мумкин.

Айтиш кераки, “Тиб конунлари” шунчаки ўз замонасиннинг тибий тарихи, касаллик варакаси эмас, инсон соғлиги ва касаллигини яхлит холда тушунишга асос бўлиб хизмат қилувчи асардир. Ибн Сино беморни айрим қисмлардан ташкил топган йиғинди сифатида эмас, балки яхлит инсон сифатида эътироф этган деб сўзларини якунлаган эдилар.

Домла Ўзбекистонда айниқса, тиббиёт ходимлари бу асардан қанчалик фойдаланаётганликлари тўғрисида ҳам фикр билдириб, “Ҳозирги замонавий шифокорлар “Тиб конунлари”ни ўқишини хоҳлади. Китобни ўқиши жараённада ҳар қадамда тушуниш кийин сўз ва ибораларга дуч келади. Шунинг учун уни ўқимасдан китоб жавонига олиб кўяди. Биз “Тиб конунлари” да ана шундай тушуниш кийин сўз ва ибораларни тушунтирувчи лугатга мўхтожмиз. Фанимиздаги шу бўшликни тўлдиришимиз

